

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ РАҚОБАТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ИСТЕЪМОЛЧИЛАР ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ҚЎМИТАСИ

Товар ёки молия бозорида хўжалик юритувчи субъектнинг ёхуд шахслар гуруҳининг устун мавқеини ёки устун музокара кучини аниқлаш ва эътироф этиш ҳамда суиистеъмолчиликни аниқлаш тартиби тўғрисида

Товар ёки молия бозоридаги рақобат ҳолатини таҳлил қилиш қуйидаги босқичларни ўз ичига олади:

товар ёки молия бозорининг товар чегараларини аниқлаш;

товар ёки молия бозорида хўжалик юритувчи субъект ёки шахслар гуруҳнинг устун мавқеи ёки устун музокара кучини эътироф этиш ҳамда уни бекор бўлганлигини эътироф этиш.

Товар ёки молия бозорининг товар чегараларини аниқлаш

Товар ёки молия бозорининг чегаралари **республика**, шунингдек, **Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар** ва **Тошкент шаҳри** бўйича алоҳида, ёки икки ва ундан ортиқ товар ёки молия бозорларини биттага бириктириш йўли билан белгиланиши мумкин.

Зарур ҳолларда, **ташқи иқтисодий фаолиятнинг товар номенклатурасидан** *(ТИФ ТН код)* фойдаланилади.

Бозор чегаралари истеъмолчилар томонидан **товарни эркин сотиб олиш тамойили** бўйича аниқланади.

Товар чегараларини аниқлашда **бир-бирининг ўрнини босадиган товарлар** ҳисобга олинади.

Товарни эркин сотиб олиш тамойили

Товар ёки молия бозорининг чегаралари истеъмолчилар томонидан товарни эркин сотиб олиш тамойили бўйича аниқланиши белгиланган. Товарни эркин сотиб олиш қуйидаги шарт-шароитлар мавжуд бўлганда таъминланади:

- истеъмолчилар томонидан **товарни эркин сотиб олиш имконияти;**
- тегишли ҳудудда **аниқ товарни сотиб олиш имконияти**;
- товар қийматига нисбатан **транспорт харажатлари**нинг қопланиши;
- **товарнинг сифати, ишончлилиги** ва бошқа истеъмол хусусиятларининг сақланиши;
- товарни **олди-сотди, олиб кириш ва олиб чиқишга чекловларнинг** (тақиқларнинг) мавжуд эмаслиги;
- товар бозори чегаралари доирасида **рақобатнинг тенг шарт-шароитлари** мавжудлиги.

Товар ёки молия бозорида рақобат муҳитини таҳлил қилишда фойдаланиладиган маълумотлар

Статистика агентлиги

Ишлаб чиқариш ва сотиш ҳажмлари-корхоналар кесимида *(Почта манзиллари кўрсатилган ҳолда)*



Божхона қўмитаси

Импорт ва экспорт тўғрисидаги маълумотлари

Ваколатли органлар, ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар

Товарларнинг функционал жиҳатдан қўлланилиши, сифат ва техник тавсифномалари, нархи ва бошқа параметрлари бўйича уларнинг бир-бирининг ўрнини боса олиши мумкинлиги тўғрисида маълумотлар

Хўжалик юритувчи субъектлар

Ишлаб чиқариш қувватлари, ишлаб чиқарилган товарнинг реализацияси ҳажми, импорт ва экспорт ҳажмлари, тармоқ корхоналар (савдо шахобчалари) сони ва манзили

Солиқ қўмитаси

Товар сотувчи корхоналарнинг электрон ҳисоб-фактуралари, сотилган товар чеклари

Хўжалик юритувчи субъект ёхуд шахслар гуруҳининг бозордаги улушларини ҳисоблаш қуйидаги кўрсаткичлардан бири асосида амалга оширилади:

- товарни сотиш (хизмат кўрсатиш) ҳажми;
- товарни ишлаб чиқариш қувватлари ҳажми;
- товар захиралари ҳажми;
- тузилган шартномаларга мувофиқ товар ҳажми;
- монопсония ҳолатидаги товар ёки молия бозорлари учун харид қилинган товар ҳажми.

Товар ёки молия бозорида устун мавқе деб эътироф этилади

Рақобатчилари мавжуд бўлмаса

Бозор улуши 40 фоизни ва ундан ортиқни ташкил этса



Табиий монополия субъекти деб эътироф этилса

Қонунчиликда мутлақ ёки эксклюзив ҳуқуқ берилган бўлса


Устун мавқега эга деб эътироф этилмайди

30 000

«Рақобат тўғрисида»ги Қонуннинг 13-моддасига мувофиқ, охирги календарь йилда товарларни реализация қилишдан олинган тушуми БҲМнинг **30 минг** бараваридан камроқни ташкил этса *(бундан табиий монополия субъектлари, маҳсулотларининг нархлари давлат томонидан тартибга солинадиган хўжалик юритувчи субъектлар мустасно)* устун мавқега эга деб эътироф этилмайди.

ГИПСОКАРТОН ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА СОТИШ БОЗОРИДАГИ ТАҲЛИЛ НАТИЖАЛАРИ

- **А.** Корхона
- **Б.** Корхона
- **С.** Бозорнинг қолган иштирокчилари



Устун музокара кучи

Низомнинг 23-бандига мувофиқ, товар ёки молия бозорида қуйидаги шартларнинг бири ёки бир нечтаси бажарилганда хўжалик юритувчи субъект ёхуд шахслар гуруҳи ўз контрагентларига нисбатан устун музокара кучига эга деб эътироф этилади:

- контрагентлар билан шартнома тузишда **шартнома шартларига бир томонлама таъсир ўтказиш имконияти** мавжуд бўлганда;
- **товарлар реализация қилинадиган ҳудудни** белгилашга бир томонлама таъсир кўрсатиш имконияти мавжуд бўлганда;
- **нархни белгилашда бир томонлама таъсир кўрсатиш имконияти** мавжуд бўлганда.

Хўжалик юритувчи субъект ёхуд шахслар гуруҳининг устун мавқеини ёки устун музокара кучини эътироф этиш


Хўжалик юритувчи субъектнинг ёхуд шахслар гуруҳининг устун мавқеини ёки устун музокара кучини эътироф этиш **монополияга қарши орган раҳбарининг буйруғи билан расмийлаштирилади**



Устун мавқеи ёки устун музокара кучи эътироф этилган хўжалик юритувчи субъектлар тўғрисидаги маълумотлар **монополияга қарши органнинг расмий веб-сайтида эълон қилиб борилади**



Буйруқ қабул қилинган кундан бошлаб **3 кун муддатда** устун мавқеи ёхуд устун музокара кучи эътироф этилган тегишли **ХЮС ёхуд шахслар гуруҳига хабарнома юборилади**. Шунингдек, агар мазкур хўжалик юритувчи субъектнинг ёки шахслар гуруҳининг товарларига нисбатан нархлар давлат томонидан тартибга солинган тақдирда эса, бу ҳақда **нархни тартибга солувчи органга ҳам хабар қилинади**.



Хўжалик юритувчи субъект ёхуд шахслар гуруҳининг устун мавқеини ёки устун музокара кучининг бекор бўлганлигини эътироф этиш

Низомнинг 31-бандига мувофиқ, хўжалик юритувчи субъект ёхуд шахслар гуруҳининг устун мавқеи ёки устун музокара кучининг бекор бўлганлигини эътироф этиш тўғрисидаги буйруқ қуйидаги ҳолларда қабул қилиниши белгиланган:

- тегишли хўжалик юритувчи субъектнинг ёки шахслар гуруҳининг мавқеи уларнинг устун мавқеи ёки устун музокара кучининг бекор бўлганлигини эътироф этиш даражасигача ўзгарганда;

- устун мавқеи ёки устун музокара кучи эътироф этилган хўжалик юритувчи субъект томонидан товар турини ишлаб чиқариш ва сотиш (хизматлар кўрсатиш) тўлиқ тўхтатилганда;

- хўжалик юритувчи субъектга нисбатан тугатишга доир иш юритиш қўлланилганда.

Ўзбекистон Республикасининг “Рақобат тўғрисида”ги Қонунининг 18-моддасига мувофиқ устун мавқени ва устун музокара кучини суиистеъмол қилишни деб эътироф этилади:

- Товарларнинг муомаласи ҳажмини товар ёки молия бозорида тақчилликни келтириб чиқариш ёки сақлаб туриш мақсадида нархларнинг ошишига ва (ёки) истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига зарар етказилишига олиб келадиган тарзда қисқартириш
- Истеъмолчиларнинг зарур ҳажмдаги товарни ва лозим даражадаги сифатли товарни олишга бўлган ҳуқуқлари камситилишига йўл қўйиш
- Товарнинг монопол юқори ёки монопол паст нархларини белгилаш
- Товарни реализация қилишда ёки олишда камситувчи шарт-шароитларни белгилаш, шу жумладан товардан фойдаланиш шартларини мажбуран қабул қилдириш
- Тегишли товарни ишлаб чиқариш ёки реализация қилиш имконияти бўла туриб, шартнома тузишни асоссиз равишда рад этиш
- Товар ёки молия бозорига бошқа хўжалик юритувчи субъектларнинг кириши учун тўсиқлар яратиш
- Бошқа хўжалик юритувчи субъектлар (рақобатчилар) томонидан ишлаб чиқарилган товарларни олишни ёки реализация қилишни тақиқлаш ёхуд чеклаш.
- Рақамли платформа операторига маълумотлар, технологиялар ва рақамли маҳсулотлардан фойдаланиш ҳақидаги талабларни белгилаш орқали рақобатни чеклайдиган ҳаракатлар

“Рақобат тўғрисида”ги Қонуннинг 18-моддасини бузган ҳолда устун мавқе ёки устун музокара кучини суиистеъмол қилиш ҳолати

“А” корхона фермер хўжаликларини кредитлаш хизмати бўйича устун мавқега эга деб эътироф этилган.

“**А**” **корхона** томонидан **маблағлардан эркин фойдаланишга ҳамда моддий ресурслар етказиб берувчиларни ихтиёрий танланишида бир қатор сунъий ҳамда бюрократик тўсиқлар белгиланган.**

Ҳусусан, Туман ҳокимликлари томонидан тасдиқланган таъминотчи корхоналарнинг маҳсулот ва иш ҳизматларида фойдаланиш шартларини мажбуран қабул қилдириш.

Ушбу ҳолат юзасидан “**А” корхонага** белгиланган тартибда “Рақобат тўғрисида”ги Қонуннинг 18-моддаси бузилган деб топилиб **иш қўзғатилган** ва мазкур Қонуннинг 42-моддасига асосан **229,9 млн сўм** *(5 фоиз)* **жарима** қўлланилган.

“Рақобат тўғрисида”ги Қонуннинг 18-моддасини бузган ҳолда устун мавқе ёки устун музокара кучини суиистеъмол қилиш ҳолати

Қўмита томонидан “Б” корхонада ишлаб чиқарилган минерал ўғит маҳсулот нархларини шакллантиришда амалдаги норматив хужжатларга риоя этилмаганлиги натижасида маҳсулот нархларини асоссиз ошишига олиб келган ҳаракатларининг аломатлари аниқланган.

Натижада, **минерал ўғит маҳсулотлари** нархлари ўртача **10** фоиздан **15** фоизгача ошишига сабаб бўлган.

Юқоридагиларга кўра, Рақобат қўмитаси томонидан **“Б”** корхонага нисбатан Ўзбекистон Республикаси “Рақобат тўғрисида”ги Қонунининг 18-моддаси талаблари бузилиши аломатлари бўйича **иш қўзғатилган.**

Рақобат қонунчилигини бузиш ҳолатлари бўйича халқаро кейслар

1. Microsoft (2001 ва 2004 йиллар)
Маълумот: Европа Иттифоқи Microsoft компаниясини ўзининг Windows операцион тизимида монопол мавқени суиистеъмол қилганликда айблади. Microsoft ўз браузери ва медиа плеерини интеграциялаш орқали рақобатчиларга зарар етказган.
Натижа: Европа Иттифоқи Microsoftга **497 миллион евро** миқдорида жарима солди ва улардан Windows'нинг версиясини браузерсиз чиқаришни талаб қилди.

2. Google (2017 ва 2018 йиллар)
Маълумот: Европа Комиссияси Google компаниясини ўзининг Android операцион тизимидан суиистеъмол қилиб, интернет қидирув бозоридаги рақобатчиларга нисбатан адолатсиз устунликка эга бўлганликда айблади.
Натижа: Google'га **2,42 миллиард евро** миқдорида жарима солинди. 2018 йилда Google'га яна 4,34 миллиард евро миқдорида жарима қўшилди.

3. Samsung ва LG (2012 йил)
Маълумот: Жанубий Кореянинг **Samsung** ва LG компаниялари ўзлари ишлаб чиқарган қурилмалар нархларини сунъий равишда ошириш мақсадида бир-бири билан келишиб олишгани аниқланди. Бу эса истеъмолчиларга қиммат нархларда маҳсулотларни сотишга олиб келган.
Натижа: Жанубий Корея ҳукумати иккала компанияга биргаликда **38 миллион доллар** миқдорида жарима солди.